

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ СОБИР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИСТИК
САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Махмудов Собир Худойбердиевич

Самарқанд вилояти тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш..... 3

Махмудов Собир Худойбердиевич

Повышение эффективности использования историко-культурного
туристического потенциала Самаркандской области 29

Makhmudov Sobir Khudoyberdievich

Improving the efficiency of using the historical-cultural tourism potential of the
Samarkand region..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ СОБИР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИСТИК
САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1533 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухаммедов Мурод Мухаммедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тухлиев Искандар Суёнович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Махбуба Тойчиевна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги PhD.03/28.02.2022.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (99866) 233-38-72, (99866) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ш.О.Кувандиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

М.Қ.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари билан бир қаторда ижтимоий соҳаларда халқаро алоқаларнинг кенгайиб бориши ва мақсадли туризм хизматларига бўлган талабнинг жадал суръатлар билан ортиб бориши шароитида тарихий-маданий туризм хизматларини устувор даражада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Халқаро туризм ташкилотининг маълумотларига кўра «дунё ЯИМнинг 11 фоизи туризм соҳасига тўғри келади»¹. Бугунги кунда жаҳонда тарихий-маданий туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи туризмни коронавирус пандемияси тарқалишидан олдинги давр даражасига олиб чиққан ҳолда жадал ривожлантириш, турбизнесни қўллаб-қувватлаш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда иқтисодий глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши, ижтимоий соҳалардаги трансформацион ўзгаришлар ва ностандарт ижтимоий-иқтисодий шароитларни эътиборга олган ҳолда туризм хизматлари бозорини ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида мамлакатнинг тарихи, моддий ва маънавий меросидан туризмни жадал ривожлантириш мақсадларида унумли фойдаланиш, туристик мавсум давомийлигини оптималлаштириш, шунингдек туризм ҳажми, оқими ва сифатига табиий-иқлим тебранишлар, мавсумийликнинг таъсири ва туристларга хизмат кўрсатишда мавсумий нотекистикни камайтириш каби йўналишдаги илмий-тадқиқотларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ташқи ва ички туризмни стратегик тармоқлардан бири сифатида жадал ривожлантириш, туризм турларини диверсификация қилиш, мавжуд тарихий-маданий объектларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «... Туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш»² ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари бир этиб белгиланган. Бу борада тарихий-туристик объектлар салоҳиятидан фойдаланиш

¹ <https://www.unwto.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

самарадорлигини оширишда ички имкониятларни ишлаб чиқариш айланмасига жалб этиш, меҳмонхоналар тармоғини ички имкониятлар ҳисобидан кенгайтириш, электрон онлайн-аукционларни устувор ташкил қилиш, тарихий-маданий туристик салоҳият самарадорлиги таркибида тарихий буюмларнинг туристик маҳсулот сифатида жалб этиш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларни жадаллаштириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмни ривожлантиришнинг назарий ва умумиқтисодий муаммоларини В.Азар, А.Александрова, В.Квартальнов, Н.Зайцева, Д.Исмаев, М.Биржаков, В.Сенин ва бошқалар ўз асарларида таҳлил қилишган ³. Тарихий-маданий туризмнинг назарий

³ Азар В.И. Экономика и организация туризма. – М.: Аспект-Пресс, 2003.-49 с.; Александрова С.Ю. Международный туризм: Учеб. Пособие для вузов. – М., 2001.; Квартальнов В.А. Туризм: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2002.-320 с.; Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме. Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2003.-224с.; Исмаев Д.К. Основы стратегии и планирования маркетинга в иностранном туризме. – М.: 1994.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М-СПб.: Невский фонд, 2005.-387 с.; Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристский бизнес. Изд.2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, 2009.-637 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма. – М.: «Финансы и статистика» 2004,-379 с.

асослари, уни ривожлантиришнинг амалий муаммолари ва асосий тенденциялари Ч.Лендри, Д.Пирс, Р.Прентис, Г.Ричардс каби хорижлик олимларнинг илмий-тадқиқотларида кенг ёритилган⁴.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, М.Пўлатов, М.Пардаев, Р.Атабаев, И.Тухлиев, М.Мухаммедов, М.Алимова, З.Адилова, М.Алиева, Д.Асланова, О.Ҳамидов, Б.Тўраев, Б.Сафаров ва бошқа олимларнинг асарларида тадқиқ этилган⁵.

Юқорида таъкидланган хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишларда тарихий-маданий туризмни ривожлантириш, унинг улкан салоҳиятидан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар чуқур ўрганилмаган. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170929749 «Самарқанд вилоятида туристик эркин иқтисодий ҳудудни яратиш стратегияси» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соҳага оид тарихий-маданий туризм «туризм салоҳияти», «туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги» тушунчаларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

тарихий-маданий туризмнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмуни

⁴ Landry, Charles (2013). Culture & commerce: the Royal Academy & Mayfair. near Stroud: Commedia. ISBN978-1-908777-03-4.; Pearce, D.G. (2005) Distribution Channels for Cultural Tourism in Catalonia, Spain. Current Issues in Tourism. Volume:8 Number:5, Prentice, R., Andersen, V.A. Festival as creative destination. Annals of Tourism Research 30 (1) (2003), Richards, G. (2004) Cultura popular, tradicion y turismo en las Festes de la Merce de Barcelona.

⁵ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Гос. Науч. Изд-во «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. – 386 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. – Т.: Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2009 – 624 с. Пардаев М.К., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари. – Т.: «Фан ва технология», 2007. – 32 б.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 264 б.; Мухаммедов М.М., Махмудов С.Х. Минтақа тарихий-маданий туристик объектлар салоҳиятини баҳолашга инновацион ёндашув. – Ургенч, 2020; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов Ш.А., Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан ва технология», 2018. – 296 бет.; Алимова М. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. – 96 б. Адилова З.Д., Содиков Т.В. Ҳалқаро туризм бизнеси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009. – 156 б.; Алиева М.Т., Тарикулов М.О. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012. – 144 б.; Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳияти. Монография. – Т.: «ФАН», 2010. – 120 б.; Тураев Б.Х. Теоретико– методологические основы развития туризма. – Т.: «ФАН», 2008. – 166 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2016. – 184 б.

ва турлар бўйича таснифланишини ўрганиш;

тарихий-маданий туризм салоҳиятини баҳолашнинг назарий асосларини очиқ бериш;

тарихий-маданий туризмнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги, уни шакллантириш ва амалга ошириш омилларини аниқлаш;

Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризмнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлилини амалга ошириш;

Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсирини баҳолаш;

Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларининг таҳлилини амалга ошириш;

тарихий-маданий туристик салоҳиятни баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

гид-таржимонлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш асосида Самарқанд вилояти туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий ёдгорликлар ва тарихий обидалар мажмуи олинган.

Тадқиқотнинг предмети вилоят тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли, қиёсий ва омилли таҳлил, илмий абстракция, социологик сўров ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий-маданий туристик салоҳият самарадорлиги таркибида тарихий буюмларнинг туристик маҳсулот сифатида жалб этилишининг мақсадга мувофиқлиги асосланиб, тарихий буюмлар ва ялпи туризм ҳажми ўзаро нисбатига кўра юз йилгача бўлган даврга тааллуқли тарихий буюмлар ялпи туризм ҳажмининг 5 фоизи, ундан кўп йилларга кўра 10 фоиз, тарихий буюм ноёб аҳамиятига кўра 100 фоизи миқдорида белгилаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган;

Самарқанд вилояти, туманлари кесимида туристик салоҳиятни миқдорий-сифат қийматини интеграл баҳолашни «паст», «ўрта», «юқори» ва «жуда юқори» сифат таснифи даражасидаги услубий ёндашув негизида баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туристик объект салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ички имконияти сифатида гид мутахассисларини тайёрлаш марказлари

қошида маҳорат курсини ташкил этиш ҳамда гид-экскурсаводлар туристик ресурс салоҳиятидан унумли фойдаланишда малака талабларни белгилаган ҳолда улар таркибига, жумладан гуруҳ ишини режага кўра белгиланган кетма-кетликда ташкил этиш ва гуруҳни бошқариш салоҳиятини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тарихий-маданий туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда меҳмонхоналар тармоғини мазкур объектга айлантириш мумкин бўлган тарихий объектларни жалб этиш орқали кенгайтириш, вилоятнинг шаҳар ва туманлари кесимида мақсадли тадбирларни, жумладан умумжаҳон меросига киритилган объектлар доирасида меҳмонхоналар қуриш ишларини электрон онлайн-аукцион орқали жисмоний ва юридик шахсларга бериш асосланган ва минтақада туризмни ривожлантириш прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«тарихий-маданий туризм» тушунчасининг моҳиятини очишда мавжуд ёндашувларга кўра унинг муаллиф таҳриридаги таърифи ишлаб чиқилган;

тарихий-маданий мерос объектлари салоҳиятини баҳолаш усули мазкур объект майдонининг бир метр квадрат жойига тўғри келадиган туристлар сони, тарихий-маданий объектнинг аҳамиятлилик ва машҳурлик даражаси, унинг жаҳон ёки давлат аҳамиятига моликлиги каби мезонларни қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда тарихий-маданий туризм объектлари салоҳиятини баҳолаш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш мумкинлиги, туризм соҳасининг тарихий-маданий турини тез суръатлар билан ривожлантириш асосида соҳада аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан республика ва ҳудудлардаги тарихий-маданий туристик объектлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича комплекс чоратадбирлар мажмуини ҳамда «Хизматлар соҳаси иқтисодиёти», «Хизматлар соҳаси менежменти», «Экскурсия хизматини ташкил қилиш», «Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги» каби фанларнинг ишчи-ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилояти тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий-маданий туристик салоҳият самарадорлиги таркибида тарихий буюмларнинг туристик маҳсулот сифатида жалб этилишининг мақсадга мувофиқлиги ва услубий ёндашув Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш ИТИнинг 2022 йил 10-майдаги Ич-15-сон буйруғи билан (вазирликнинг 2022 йил 21 июлдаги 04-18/3582-сон хати билан институтга ваколат берилгани тўғрисидаги маълумоти) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1771-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий ёндашувни Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фаолиятида қўлланилиши натижасида «Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи»да (Самарқанд ш.) сақланаётган тарихий буюмларнинг баҳоси аниқланган;

Самарқанд вилояти, туманлари кесимида туристик салоҳиятни миқдорий-сифат қиймати негизида интеграл баҳолашни «паст», «ўрта», «юқори» ва «жуда юқори» сифат таснифи даражасидаги услубий ёндашув Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш ИТИнинг 2022 йил 10-майдаги Ич-15-сон буйруғи билан (вазирликнинг 2022 йил 21 июлдаги 04-18/3582-сон хати билан институтга ваколат берилгани тўғрисидаги маълумоти) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1771-сонли маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш натижасида тарихий-маданий туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг аниқлик даражаси оширилиб, Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий туристик объектлар, жумладан «Регистон ансамбли» бўйича туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги 2,2% (салоҳияти 3,25 балл), «Улуғбек расадхонаси» бўйича 4,0% (1,25 балл), «Бибиҳоним мадрасаси» бўйича 37,0% (2,25 балл), «Амир Темур мақбараси» бўйича 60,0% ни (3,5 балл) ташкил этиши юқори аниқлик даражасида аниқланган;

туристик объект салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ички имкониятини ҳамда гид-экскурсаовдлар туристик ресурс салоҳиятидан унумли фойдаланишда малака талабларини белгилаган ҳолда улар таркибига, жумладан гуруҳ ишини режага кўра белгиланган кетма-кетликда ташкил этиш ва гуруҳни бошқариш салоҳиятини киритиш бўйича таклифлар Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш ИТИнинг 2022 йил 10-майдаги Ич-15-сон буйруғи билан (вазирликнинг 2022 йил 21 июлдаги 04-18/3582-сон хати билан институтга бундай ваколат берилгани тўғрисидаги маълумоти) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1771-сонли

маълумотномаси). Таклифнинг жорий қилиниши тарихий-маданий объектлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган ҳолда «Амир Темур мақбараси» (Самарқанд ш.) салоҳиятини 3,5 балл, «Регистон ансамбли» салоҳиятини 3,25 балл, «Бибихоним мадрасаси» салоҳиятини 2,25 балл, «Улуғбек расадхонаси» салоҳиятини 1,25 балл даражасида шаклланишига муайян ҳисса қўшган;

тарихий-маданий туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда меҳмонхоналар тармоғини мазкур объектга айлантириш мумкин бўлган тарихий объектларни жалб этиш орқали кенгайтириш, вилоятнинг шаҳар ва туманлари кесимида мақсадли тадбирларни, жумладан умумжаҳон меросига киритилган объектлар доирасида меҳмонхоналар қуриш ишларини электрон онлайн-аукцион орқали жисмоний ва юридик шахсларга бериш, тарихий-маданий туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш ИТИнинг 2022 йил 10-майдаги Ич-15-сон буйруғи билан (вазирликнинг 2022 йил 21 июлдаги 04-18/3582-сон хати билан институтга ваколат берилгани тўғрисидаги маълумоти) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1771-сонли маълумотномаси). Натижада, меҳмонхоналар тизимини такомиллаштириш асосида меҳмонхона ўринлари сонини кўпайтириш, туристларга қулайликлар яратиш орқали хизматлар сифатини ошириш ҳамда туристик оқимни кўпайтириш асосида тарихий-маданий туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг ҳозирги шароитида туризм соҳаси ролининг ошиб бориши ва ушбу соҳани янада ривожлантиришда тарихий-маданий туризмнинг ўрни илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, тарихий-маданий туризмнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва турлар бўйича таснифланишини тавсифловчи назарий ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Ўзбекистонда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясида мамлакат ЯИМда туризмнинг улушини 5 фоизга етказиш, туристлар сонини 9 млн., жумладан, узоқ хорижлик туристлар сонини 2 миллион кишига етказиш белгиланган эди⁶. Кутилмаганда бошланиб кетган ва миллий иқтисодиётда белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларида белгиланган марраларга эришиш йўлида коронавирус пандемияси катта тўсиқ бўлди. Туризм соҳасини оғир аҳволга солган ушбу ҳолат оқибатида прогнозлаштирилган кўрсаткичларга муайян даражада салбий таъсир кўрсатди.


Тадқиқотлар натижаси келажакда Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва унинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлашда туризм салоҳиятидан, жумладан, тарихий-маданий мерос объектлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо этишини кўрсатди. Ўзбекистоннинг денгизлардан узоқ масофадаги ўзига хос географик кенгликда жойлашганлиги ва жаҳоннинг ривожланган иқтисодий марказлари билан очик ва қулай транспорт алоқаларининг йўқлиги мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини муайян даражада чеклайди. Шу сабабли кўпчилик тадқиқотчилар ҳақли равишда туризмни Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим захираларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп жиҳатдан ноёб тарихий-маданий мероси туфайли туризмнинг тарихий-маданий турини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Мамлакатнинг маданий меросини Греция ва Италиядаги жаҳон маданиятининг дунёга машҳур

⁶ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси. <http://utm.uz/con tesc>

объектлари билан таққослаш мумкин.

Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг кўплиги ва улардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий юксалтиришга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда айнан тарихий-маданий туризмни ривожлантириш бошқа туризм турларига қараганда фойдалироқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда туризм саноатини жадал ривожлантириш, жумладан, тарихий-маданий меросга замонавий муносабат, халқаро стандартлар параметларига тўла жавоб берадиган инфратузилмани яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш мамлакатимизни дунёнинг сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган ва туризмни даромаднинг асосий манбаларидан бирига айлантира оладиган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Дунё мамлакатлари бўйлаб тарихий-маданий туризмни тез суръатлар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигининг асосий сабаби шундаки, ушбу туризм тури мамлакатнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий тараққиётига катта таъсир кўрсатади, деган хулосага келинди. Тарихий маданий туризмнинг мамлакат ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятининг моҳияти очиб берилди (1-расм):



1-расм. Тарихий-маданий туризмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти⁷

Тарихий-маданий туризмнинг ҳозирги кундаги аҳамияти, унга потенциал туристлар талабларининг интенсив тарзда ўсиб бориши, тадқиқотчилар эътиборининг тобора кучайиши, халқаро миқёсдаги ривож ва кўплаб халқаро туристик ташкилотлар ташкил этилаётганлигининг назарий тадқиқотлари бугунги кунда «Тарихий-маданий туризм» тушунчасининг моҳиятини очишда, тадқиқотчилар ўртасида турли-туман, аксарият ҳолларда, фикрлари ўзаро кескин фарқ қилувчи тадқиқотчилар томонидан берилган хилма-хил таърифларни муайян тартибда шакллантирдик (1-жадвал):

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

«Тарихий-маданий туризм» тушунчасига берилган таърифлар⁸

Муаллифлар	Таърифи	Манбаи
Карпова Г.А., Хорева Л.В.	Тарихий-маданий туризм – бу шахсларнинг чегаралардан ташқаридаги ҳаракатидир. Доимий яшаш жойи, тўлиқ ёки қисман асослангандир. Маданий, шу жумладан, маданий диққатга сазовор жойларга ташриф буюришга қизиқтирувчи тадбирлар, музейлар ва тарихий жойлар, санъат, мусиқа, театрлар, концерт майдончалари, тарихий меросни ақс эттирувчи маҳаллий аҳолининг вақтлари, инновацион санъат ва ижрочилик санъати, анъанавий қадриятлар фаолият ва кундалик турмуш тарзи аҳолиси учун энг сўнгги маълумотларни тажриба ва таассуротларни олиш учун уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш.	Экономика и управление туристской деятельностью. – М.: «Экономика», 2011. – 135 б.
Фролова И.Т	Тарихий-маданий туризм глобал вазифининг янги мазмунидир, маданий туризм халқларни яқинлаштириш омили ва воситаси сифатида можароларсиз ва муросасизлик, ҳурмат ва бағрикенгликни ривожлантириш ва иш юритиш, маданият тушунчасидан тарихий асл ва ноёб асарлар яратиш, шунингдек мазмунли ижодий ҳаракатлар доираси сифатида инновацион, тарихий ўзига хос ва бир- бирларига бўлганидек очик синхрон ва диахрон тарихий макон-вақт.	Философский словарь / Под ред. 7- е изд. – М.: «Республика» 2001. – 68 б.
Колотова Е. В.	Тарихий-маданий туризм – бу мамлакатнинг имкониятлари, шу жумладан, урф-одатлар, ижтимоий-маданий муҳит, маиший ва иқтисодий фаолият.	Рекреационное ресурсосведение: Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности «Менеджмент».–М., 1999.– с.92-93.
Richards, G.	Тарихий-маданий туризм одатларнинг ҳаракати, одатий яшаш жойингиздан узоқда жойлашган диққатга сазовор маданий жойлар, янги маълумотлар олиш ва тажриба орттириш учун маданий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган сиёсат.	Richards, G. (1996) Cultural Tourism in Europe. CABI, Wallingford.1. – p. 45.
Рузиев Ш.Р.	Тарихий-маданий туризм ўз ичига маданий дунёқарашни кенгайтириш эҳтиёжига, хусусан, маданий қадриятлар билан танишиб, ўз хоҳишига кўра билим олиш имкониятига эга бўлишдан иборат “маданий танишув туризми”, “тарихий обидалар туризми” тушунчаларини қамраб олади.	«Ўзбекистонда тарихий-маданий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги (PhD) диссертация автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б.10.
Дадажоновна М.М.	Ўзга халқларнинг маданияти, тарихи, этнографияси, археологияси, фольклори, ҳаёт тарзи билан қизиқувчи туристларнинг фаолияти тушунилади.	Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантириш масалалари // Евразийский научный журнал, 2019.№5.

⁸ Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда ва бошқа тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириб, «тарихий-маданий туризм» тушунчасига қуйидагича таъриф бердик: «Тарихий-маданий туризм» – бу бирон-бир мамлакат тарихини, халқнинг маданиятини, анъаналари ва урф-одатларини ўрганиш, унинг бой маънавий қадриятлари билан яқиндан танишиш, лекин даромад топиш билан боғлиқ бўлмаган ва бир йилгача муддат давомида хорижда ёки мамлакат минтақаларида амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Илмий адабиётларда тарихий-маданий туризм турларининг хилма-хил таснифлари келтирилган. Амалга оширилган назарий тадқиқотлар ва макроиқтисодий таҳлил натижасида тарихий-маданий туризм турлари бўйича таснифлагичнинг такомиллаштирилган шакли таклиф қилинди (2-расм):



2-расм. Тарихий-маданий туризмнинг турлар бўйича таснифланиши⁹

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тарихий-маданий туризмни мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишининг муҳим омилига айлантириш, ундаги улкан имкониятларни реал ҳаётда рўёбга чиқариш учун унинг салоҳияти ва баҳолаш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш лозим, деган хулосага келинди, унинг долзарблиги ва аҳамияти назарий жиҳатдан асосланди. Чунки туристик салоҳият тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаш унинг самарадорлиги ва унга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этиш, тарихий-маданий туризмнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш, ундан иқтисодиёт равнақи йўлида унумли фойдаланишга эришишда биринчи ва энг муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Илмий адабиётларда «туристик салоҳият» категориясига кўпгина

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иктисодчи олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Тадқиқотлар иқтисодий адабиётларда «туристик салоҳият» тушунчасининг моҳияти етарлича очиб берилмаганлигини, бу борада тадқиқотчилар ўртасида яқдиллик йўқлиги ва аксарият тадқиқотчилар эътироф этган илмий қарашнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди. Тадқиқотлар, шунингдек туристик салоҳият ёки тарихий-маданий объектлар, маънавий мерос бойликлари салоҳияти ҳақида гап кетганда айтиш жоизки, уларнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига эътибор бериш лозимлигини кўрсатди ва иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири сифатида туристик бизнес билан боғлиқ корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш хусусиятларини ўрганиш зарурлигини тақозо этди. Назаримизда, туристик салоҳият – бу туризм соҳасига жалб этилган меҳнат ресурслари миқдори ва уларнинг сифати, соҳа билан алоқадор тармоқ ташкилотларининг ишлаб чиқариш қуввати, табиий ресурсларнинг салоҳияти, автомобил йўллари узунлиги ҳамда сифати ва транспорт воситаларининг мавжудлиги, ноишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиши, фан ва техника ютуқлари, маданий бойликлар ва соҳанинг моддий-техника базаси билан характерланади. Туристик салоҳият тармоқлар объектларининг мутлақ имкониятларига ва улардан фойдалана олиш даражасига боғлиқ бўлиб, унинг миқдорий баҳоси мавжуд салоҳиятдан фойдаланилган ҳолда истеъмолчиларга кўрсатилган ҳақиқий маҳсулот ҳажми билан белгиланади. Демак, корхона туристик салоҳиятининг тузилиши – бу иқтисодий субъектнинг стратегик ривожланиш мақсадларига эришиш ва замонавий иқтисодий шароитларда корхонанинг рақобатбардошлигини оширишни белгилайдиган салоҳиятлар (ишлаб чиқариш, меҳнат, бозор, молиявий, инновацион, ахборот, ташкилий)нинг синергетик бирлигига асосланган ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш қобилиятлари мажмуи сифатида баҳолаш мумкин.

Тарихий-маданий туризм салоҳиятини баҳолаш бўйича маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқотлари натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш туризм салоҳиятини баҳолашнинг турли усуллари, яъни анъанавий (типологик, қиёслаш, картографик) баҳолаш, эксперт усули, омилли ва регрессион таҳлил усуллари таклиф қилганлари аниқланди.

Туристик объект салоҳиятини уни шакллантиришда иштирок этувчи алоҳида таркибий қисмларнинг умумий йиғиндиси сифатида баҳолаш таклиф қилинди. Бизнингча, туристик объектнинг салоҳияти қуйидагиларнинг бевосита иштироки асосида шаклланади:

объектнинг тарихий салоҳияти (қурилган йили, йўналиши, ижтимоий аҳамияти, жозибadorлиги, диққатга лойиқлиги, ноёблиги);

туристик корхонанинг инвестицион салоҳияти (асосий ва айланма маблағлар миқдори, улар билан таъминланганлик даражаси);

истеъмолчи талаби салоҳияти (объектнинг рақобатбардошлиги, истеъмолчилар дидига мослиги ва жозибadorлиги, истеъмолчилар учун фойдалилиги, талаб даражаси);

ишчи кучи салоҳияти (ишчилар сони, уларнинг малака бўйича таркиби);

туристик объектнинг ҳолати (таъмирланганлик даражаси).

Иқтисодчи олимларнинг тавсияларидан фойдаланиб, тарихий-маданий объектлар салоҳиятини баҳолашнинг қуйидаги янги усулини таклиф қилдик (2-жадвал):

2-жадвал

Тарихий-маданий ёдгорликлар салоҳиятини баҳолаш тизими¹⁰

№	Тарихий-маданий объектни баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари (балл)		
		0,25	0,5	1
1.	Бир метр квадрат жойга тўғри келадиган туристлар сони	5 тагача	5-8 гача	8 ва ундан юқори
2.	Объектнинг тарихий ва маданий аҳамияти	Илм-фан доирасидаги жаҳонда машҳур обидалар, жаҳон илмига асос солган олимлар мерос қолдирган қадамжолар	Тарихий ноёб архитектура асосида қурилган ансамбллар, машҳур авлиёлар дафн этилган мақбаралар	Жаҳонда машҳур ва буюк кишилар (соҳибқирон) дафн этилган мақбаралар, мавзолейлар
3.	Объектнинг машҳурлик даражаси (сайёҳлардан ўтказиладиган анкета сўровномаси орқали аниқланади)	Жаҳонга машҳур туристлар	Жаҳон туристик ташкилотлари томонидан эътироф этиладиган, дунёга қисман машҳур объектлар	Жаҳонда нуфузи ўта юқори, доимо эътироф ва эътиборда бўлган объектлар
4.	Жаҳон ёки давлат аҳамиятига моликлиги	Тарихий аҳамиятга молик, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қийматга эга бўлган айрим иморатлар	Давлат аҳамиятига молик ва ҳимоясига олинган, машҳур тарихий уйлар, иншоотлар, маданият марказлари	ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилганлик

Бизнингча, тарихий-маданий туристик салоҳиятни баҳолашда тарихий ва маданий ресурсларнинг таклифини асос қилиб олиш, шунингдек бир метр квадрат жойга тўғри келадиган туристлар сони, объектнинг тарихий ва маданий аҳамияти, машҳурлик даражаси (сайёҳлардан ўтказиладиган анкета сўровномаси орқали аниқланади) ва жаҳон ёки давлат аҳамиятига моликлиги эътиборга олиниши керак. Биз таклиф қилган тизимда салоҳият тўртта мезон бўйича, 1 ва 4 баллар оралиғида баҳоланади. Агар натижа 1 ва 2 оралиғида бўлса, тарихий-маданий объект салоҳиятли, 2 ва 3 оралиғида бўлса объект ўрта салоҳиятли, 3 ва 4 оралиғида бўлса объект юқори салоҳиятли ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида Самарқанд вилоятининг тарихий-маданий туризм объектлари салоҳияти юқорида кўрсатилган 4 та мезонга асосланиб баҳоланди. Ушбу тизимга мувофиқ ҳар бир мезон бўйича баҳолар 0,25

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

баллдан 1 баллгача баҳоланади. Яъни, энг юқориси 1 балл бўлиб, жами баллар миқдори 4 баллга тенг бўлади, демак, баҳолар 1 ва 4 баллар оралиғида жойлашади. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга асосланиб, Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий туристик объектлар салоҳияти бўйича олинган натижалар қуйидаги жадвалда умумлаштирилди (3-жадвал):

3-жадвал

Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий объектларнинг салоҳияти¹¹

№	Тарихий-маданий объект номи	Жами балл оралиқлари			Салоҳият баҳоси
		[1;2]	[2;3]	[3;4]	
1	Амир Темур мақбараси	-	-	3,5	Юқори салоҳиятли
2	Регистон ансамбли	-	-	3,25	Юқори салоҳиятли
3	Бибихоним мадрасаси	-	2,25	-	Ўрта салоҳиятли
4	Улуғбек расадхонаси	1,25	-	-	Салоҳиятли

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил натижалари Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий туризм объектлари етарли даражада салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди. Тарихий-маданий объектлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мураккаб жараён. Тарихий-маданий объектларнинг қурилишига сарфланган харажатлар узок ўтмишга бориб тақалади. Улар тўғрисидаги маълумотлар бизгача етиб келмаганлиги боис, уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблашда катта қийинчиликлар юзага келади. Шу сабабли тарихий–маданий туристик объектлар салоҳиятидан фойдаланиш самардорлигини аниқлашнинг ноанъанавий усулларида фойдаланишни тавсия қилдик.

Назарий тадқиқот натижасида тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда тизимли ёндашиш лозим деган хулосага келинди. Унда ҳар бир даража хусусияти ва тармоқда тутган ўрнига мос келадиган мезон ва кўрсаткичлар ишлаб чиқишда уларни ҳисоб-китоб қилиш ва амалда қўллаш усуллари яратилиши лозим.

Салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги даражаларда аниқланиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

мамлакат миллий иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири сифатида тармоқ даражасида (макродаража);

алоҳида минтақа даражасида;

туристик корхона (ташкilot) ёки туристик объект даражасида (микродаража).

Фикримизча, тарихий-маданий объектларнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда унга таъсир этувчи бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим. Тарихий-маданий туризмнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда асосий ёндашув объектга ташриф буюрган туристлар сонини ушбу объектнинг туристларни қабул қилиш имкониятлари билан таққослашдан иборат бўлмоғи лозим. Шулардан келиб чиқиб, тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш усуллари сифатида тарихий-маданий ёдгорликлар майдонига тўғри

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

келадиган туристлар сони, шунингдек туристларнинг мавсумий ташрифлари, бир аҳоли сонига тўғри келадиган туристлар сони, сайёҳлик компаниялари сони ва фаолияти, туристларнинг ташриф вақтлари ҳам таҳлил этилиши ва унинг натижалари ҳисобга олиниши лозим. Тарихий-маданий туризм объектлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги икки формулдан фойдаланишни тавсия қилдик:

Биринчи формула ёрдамида туристик объектга ташриф буюрган туристга тўғри келган объект майдони аниқланади:

$$S1t = \frac{\sum S}{\sum T / \sum K} * 100;$$

Бунда: $S1t$ – битта туристга тўғри келадиган туристик объектнинг ўртача майдони;

$\sum S$ – туристик объектнинг ўртача майдони, m^2 ;

$\sum T$ – туристик объектга мавсум давомида ташриф буюрган умумий туристлар сони;

$\sum K$ – туристик объектнинг мавсум давомида ишлаган кунлари сони.

Иккинчи формула ёрдамида тарихий-маданий туристик объект салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади:

$$TSs = \frac{\sum T / \sum K}{\sum T / \sum S} * 100 = \frac{T_{s1k}}{T_{sm}} * 100;$$

Бунда: TSs – туристик объект салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич; фоизда;

T_{s1k} – туристик объектга мавсум давомида ташриф буюрган ўртача кунлик туристлар сони, та.

T_{sm} – тарихий-маданий туристик объектининг бир m^2 майдонига тўғри келадиган туристлар сони, киши.

Ҳозирги кунда музейларда фонд сифатида сақланаётган ва тарихий ёдгорлик сифатида эътироф этилаётган буюмларни хусусий музей уйларига ижарага бериб даромад олиш, кўчма музейларни ташкил этиш ва бошқа йўллар орқали қўшимча даромад топиш имкониятлари мавжуд. Аммо тарихий буюмлардан даромад топиш мақсадида фойдаланишда ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар бор. Шундай муаммолардан бири тарихий буюмларнинг баҳосини аниқлаш ҳисобланади. Бизлар ушбу муаммони ҳал этиш учун тарихий буюмлар баҳосини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усулини таклиф этдик. Биз таклиф этган тарихий буюмларнинг баҳосини ҳисоблашнинг ушбу прогрессив усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда тарихий буюмларнинг ҳозирги баҳосини аниқлаш учун асос сифатида туризмнинг ЯИМдаги улуши олинган. Тарихий буюмлар нархи шаклланишига кўп омиллар таъсир этади. Шу сабабли уларни аниқлашда эътиборга олиниши муҳим бўлган мезонларни бир тизимга келтирдик. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, унда тарихий буюмнинг яратилиш вақти, буюмнинг ноёблиги, буюм нусхаларининг мавжудлиги, буюмнинг ўша даврдаги аҳамияти ва муҳимлиги, буюмнинг тарихий воқеаликка

дахлдорлиги, буюмни тайёрлашдаги мураккаблик даражаси, буюмнинг кўриниш ҳолати, аниқлик ва тиниқлик даражаси, сақланиш ҳолатининг мавжудлиги. Шунингдек, тарихий буюмларнинг нуқсонлари (буюмнинг синганлиги, кўринишида аниқсизлиги) маълумотларнинг етарли эмаслиги, тарихий буюмнинг жозибadorлигини намойиш этадиган жиҳатларининг йўқолиб кетганлиги ва шу каби жиҳатлари ҳам инобатга олинади.

Умуман олганда, тарихий-маданий туристик объектлардан, тарихий буюмлардан фойдаланиш самарадорлиги жуда паст. Бизнинг назаримизда, туризм соҳасидаги хўжалик субъектларининг аксарият кўпчилигига хос ушбу вазиятнинг асосий сабабларидан бири – бугунги кунда, туристик корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг мақбул усуллари ишлаб чиқилмаганлигидир. Шу сабабли, соҳа корхона ва ташкилотларида иқтисодий салоҳиятни ошириш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича мукамал билимларга эга бўлиш ва комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг «Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризмнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган ва вилоят тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили амалга оширилган. Самарқанд вилоятида жами 1607 та тарихий-маданий мерос объектлари мавжуд. Шулардан 975 та археология маданий мерос объекти, 562 таси архитектура, 36 таси монументал санъат ёдгорлиги ва 34 таси диққатга сазовор жойлар¹². Самарқанд вилоятидаги жами тарихий-маданий мерос объектлари Республикамизда мавжуд тарихий-маданий мерос объектларининг қарийб 20 фоизини ташкил этади. Шу сабабли Самарқанд вилоятида мавжуд туристик салоҳиятдан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланилса, бизнинг ҳисоб- китобларимиз бўйича, кейинги 4-5 йил ичида Самарқанд вилоятига ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 23 фоизга ошиши аниқланди. «COVID-19» пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари туризм бозорига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Масалан, 2020 йилда «Амир Темури макбараси»нинг умумий даромади 2019 йилга қараганда 2951715,0 минг сўмга камайди. Бунинг натижасида, 2020 йилда «Амир Темури макбараси»нинг умумий тушумида хорижий сайёҳлардан тушган тушумнинг улуши 36,5 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 2020 йилга қадар 75,0 фоиздан кам бўлмаган. Шунингдек, ушбу туристик объектга 2020 йилда хорижий сайёҳларнинг ташрифи 2019 йил нисбатан таққослаганда 95,6 минг нафарга камайган (4-жадвал). Худди шундай маълумотларни Самарқанд вилоятидаги бошқа тарихий-маданий объектлар мисолида ҳам кўриш мумкин (4-жадвал):

¹² Худойбердиев Ў., Тўхтаев Д. Маданий мерос объектлари нега ижарага берилмаяпти? // Zarafshon, 2019 йил 19-октябрь.

**Самарқанд вилояти тарихий-маданий туристик объектлари
молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари¹³**

Молиявий иқтисодий кўрсаткичлар	2019 йил				2020 йил			
	Амир Темур мақбараси	Улуғбек расад- хонаси	Регистон ансамбли	Бибихоним мадрасаси	Амир Темур мақбараси	Улуғбек расад- хонаси	Регистон ансамбли	Бибихоним мадрасаси
Майдони, кв.метр	2500	2500	60000	3000	2500	2500	60000	3000
Умумий тушум, минг сўм, шу жумладан:	3136055	2547279	13143152	2620732	184340	131931	1266648,0	144640
- хорижий сайёҳлардан тушган тушум, минг сўм	2457290	2088550	6280000	2017330	67295	58425	384000	51710
- умумий тушумдаги улуши, фоизда	78,4	81,9	75,4	76,9	36,5	44,2	23,8	35,8
- маҳаллий сайёҳлардан тушган тушум, минг сўм	668005	450729	3008400	599402	116135	73306	480300	92355
- умумий тушумдаги улуши, фоизда	21,3	17,7	36,1	22,9	63,0	55,6	29,8	63,9
Мажмуадан фойдаланиш (клиплар, суръатлар ва бошқалар) минг сўм	10760	8000	3854752	4000	910	200	402348	575
Мажмуада ишловчи ходимлар сони, киши	14	21	39	11	14	21	42	11
Мажмуага кириш нархи маҳаллий сайёҳлар учун, сўм	3000	3000	3000	3000	3000	3000	3000	3000
Мажмуага кириш нархи хорижий сайёҳлар учун, сўм	25000	25000	40000	25000	25000	25000	40000	25000
Хорижий сайёҳлар ташрифи, минг, киши	98,3	83,5	157	80,7	2,7	2,3	9,6	2,1
Маҳаллий сайёҳлар ташрифи, минг, киши	222,6	150,2	1002,8	199,8	38,7	24,4	160,1	30,8

Таҳлил натижалари Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий туристик объектлар салоҳиятдан ҳали самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатди. Бинобарин, таҳлил натижасида, Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий ёдгорликларнинг бир квадрат метр майдонига қанча туристлар тўғри келиши аниқланди (5-жадвал). Масалан, «Регистон ансамбли»нинг 45 квадрат метр майдонига, «Амир Темур мақбараси»нинг қарийб 2,0 квадрат метр майдонига, «Улуғбек расадхонаси»нинг 27,6 квадрат метр майдонига, «Бибихоним мадрасаси»нинг қарийб 3,0 квадрат метр майдонига битта турист тўғри келиши самарадорлик тамойилларига томонан мос келмайди.

¹³ Самарқанд вилояти Маданият бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ваҳоланки, туризм ривожланган мамлакатлар тарихий-маданий ёдгорликларининг ҳар бир квадрат метрига 2-5 нафар турист, баъзи жойларда эса 13 нафаргача туристлар тўғри келишини аниқладик. Мексика мамлакатига «Сокало тарихий жой» ёдгорлигидаги 0,2 метр квадрат майдонига бир нафар турист тўғри келади. Болгария Республикасидаги «Александр Невскийнинг ибодатхонаси»да бир кунда 6328 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, 0,5 метр квадрат жойга бир нафар сайёҳ тўғри келади. Камбоджа давлатида «Ангкор - Ват ибодатхонаси» 200,0 метр квадрат майдонни эгаллаган бўлиб, 0,1 метр квадрат жойга бир нафар турист тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мамлакатлардаги тарихий-маданий ёдгорликларга ташриф буюраётган туристлар сони вилоятимиздаги тарихий-маданий ёдгорликларга ташриф буюрган туристлар сонидан 5-6 мартага кўп (5-жадвал):

5-жадвал

Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий объектлардан фойдаланиш самарадорлиги¹⁴

№	Тарихий-маданий ёдгорликлар номи	1 квадрат метр ер майдонига 1 нафар турист қабул қилинганда, ташриф буюриши мумкин бўлган туристлар сонининг прогноз кўрсаткичлари, киши	Мавсум давомида ташриф буюрган ўртача кунлик туристлар сони, киши	Салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, фоизда
1	Регистон ансамбли	60000	1346	2,2
2	Амир Темур мақбараси	2500	1511	60,0
3	Улуғбек расадхонаси	25000	907	4,0
4	Бибихоним мадрасаси	3000	1112	37,0

Тадқиқот давомида амалга оширилган ҳисоб-китоблар Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризмни янада ривожлантириш имкониятлари ҳали жуда катта, деган хулоса чиқариш учун асос бўлди. Масалан, тарихий-маданий ёдгорликларнинг ҳар бир квадрат метрига ҳеч бўлмаганда икки нафардан турист тўғри келганда ҳам бир кунда «Регистон ансамбли» - 120,0 минг кишини, «Амир Темур мақбараси» - 5,0 минг кишини, «Улуғбек расадхонаси» - 50 минг кишини, «Бибихоним мадрасаси» эса 6,0 минг кишини қамраб олиш имконига эга бўлар эди. Бироқ 2018 йилда «Регистон ансамбли»га мавсум давомида ташриф буюрган ўртача кунлик туристлар сони 1346 нафарни, «Амир Темур мақбараси»да 1511 нафарни, «Улуғбек расадхонаси»да 907 нафарни ташкил этган. «Бибихоним мадрасаси»га эса мавсум давомида 2018 йилда ўртача бир кунда 1112 нафар турист ташриф буюрган. Агарда тарихий-маданий ёдгорликларни ҳар бир квадрат метрига 2 нафардан турист тўғри келиши кўрсаткичларига эришилганда, тарихий-

